

Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2022 йил
3 июнь,
жума
№ 23 (901)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

МАҚСАДЛАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТГАН ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2 июнь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари нафақат қўшни, балки асрлар давомида қондош қардош бўлиб, бир булоқдан сув ичиб, бир ҳаводан нафас олиб, ягона осмон остида бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб келган, яхши-ю ёмон кунларда елкама-елка туриб, қийинчиликларни энгиб ўтган. Ягона дин, ўхшаш маданият, урф-одат ва анъаналар бир-бирига мустақам боғлаб туради.

Президентларнинг сиёсий иродаси ва узқни қўзлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнгги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, халқларимиз дўстлиги мустаҳкамланди. Тошкент халқро аэропортида олий мартабали меҳмонини Шавкат Мирзиёев кутиб олди. Етакчилар ўртасида қисқа суҳбат бўлиб ўтди.

Сўнг Тожикистон Президенти "Янги Ўзбекистон" боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуанинг мазмун-моҳияти ва меъморий хусусиятлари ҳақида сўзлаб берилди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга келган олий даражадаги меҳмонлар Тошонидан ушбу монументга гул қўйиш маросими анъанага айланган.

Кўрсаройда Тожикистон Республикаси Президенти расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Эмомали Раҳмон шоҳсупага кўтарилди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат мадҳиялари янгради. Фахрий қоровул давлат раҳбарлари олдида тантанали юриб ўтди.

Маросимда икки мамлакат расмий делегациялари аъзолари ҳам ҳозир бўлди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон тор доирада учрашув ўтказди.

Давлат раҳбарлари биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарига асосланган ўзаро манфаатли Ўзбеки-

стон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Музокараларда асосий эътибор икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий, транспорт-логистика, инвестициявий ва маданий-гуманитар ҳамкорликнинг кун тартибини тубдан кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Кейинги олти йилда ҳамкорликнинг барча йўналишларида ютуқларга эришилди. Олий даражадаги музокараларда эришилган келишувлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари, ҳудудлари ўртасида мунтазам алмашинувлар йўлга қўйилган.

Шавкат Мирзиёев ва Эмомали Раҳмон кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон стратегик шериклигини янада ривожлантириш йўлидан қатъий боришларини тасдиқладилар.

Давлат раҳбарлари савдони фаол кенгайтириш ва саноат кооперациясини кучайтириш, икки мамлакатнинг логистика ва транзит имкониятларини ривожлантириш ҳамда сув энергетика-си лойиҳаларини амалга ошириш орқали муносабатларни янги амалий мазмун билан бойитишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Минтақавий ва халқаро кун тартиби юзасидан фикр алмашилди, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Кўп томонлама тузилмалар доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттиришга томонларнинг интилиши қатъий экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг музокаралари икки мамлакат делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибда давом этди.

Ўзбекистон раҳбари кўп қиррали ҳамкорликнинг барча йўналишларида улкан муваффақиятларга эришилганини катта маънуният билан қайд этиб, Тожикистон бизнинг яқин қўшнимиз, содиқ дўстимиз, давр синовидан ўтган ишончли стратегик шеригимиз эканини таъкидлади.

Президентимиз ўзаро манфаатли ва ҳар томонлама ҳамкорликни мамлакат-

ларимиз ва халқларимиз манфаати йўлида бундан буюн ҳам мустаҳкамлашга тайёрлигини билдирди.

Кейинги йилларда икки томонлама ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Товар айирбошлаш 600 миллион долларга етди. Қўшма корхоналар сони 10 қарра ошди.

Куни кеча ўтган Ҳукуматлараро комиссия йиғилиши ва бизнес форумининг муваффақиятли натижалари — 1 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар имзолангани мамнуният билан қайд этилди.

Транспорт, ҳудудлараро ҳамкорлик, парламентлараро ва маданий-гуманитар алоқалар борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди.

Икки давлат пойтахтлари Тошкент ва Душанбе шаҳарлари, Сурхондарё ва Хатлон вилоятлари ҳамда Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сўғд вилоятлари ўртасида самарали алоқалар йўлга қўйилган. Мазкур ташриф доирасида ҳамкорлик бўйича "йўл харитаси"ни Жиззах ва Сўғд вилоятлари ҳам қабул қиладилар.

Президентлар биродар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий шериклик устувор аҳамиятга эга эканини, савдо ҳажми ва номенклатурасини қаррасига ошириш учун катта салоҳият мавжудлигини таъкидладилар.

Машинасозлик, электротехника, тўқимачилик, чарм, фармацевтика, озиқ-овқат, агросаноат, тоғ-кон, металлургия ва бошқа тармоқларда лойиҳаларни амалга ошириш учун катта истиқболлар борлиги қайд этилди.

Ўзбекистон — Тожикистон инвестиция компанияси салоҳиятини фаол ишга солиш орқали ҳудудлараро ва саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш долзарблиги кўрсатиб ўтилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисида келишувларга эришилди. Президентлар фан, таълим, санъат, кино ва туризм соҳаларидаги ҳамкорликка эътибор қаратиш зарурлигини таъкидладилар. Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш ва маънавиятини юксалтириш устувор йўналиш сифатида қайд этилди.

Етакчиларнинг мамлакатларимиз

ўртасидаги абадий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик муносабатларини ўрнатиш бўйича тарихий қарори қўйилган мақсадларга эришишда муҳим омил бўлади.

Таъкидланганидек, Тожикистон Президентининг дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўладиган жорий йилда ўтаётган ушбу ташрифи биродар халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик ришталари мустаҳкамлигининг ёрқин тасдиғидир.

Тожикистон Президентининг ташрифи доирасида Зарафшон дарёсида Яван гидроэлектр станцияси қурилиши бошлаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу иншоот энергетика соҳасидаги икки томонлама ҳамкорликда биринчи йирик лойиҳа бўлади. 140 мегаватт қувватли замонавий станция мамлакатларимиз энергетик хавфсизлиги, сув ва қишлоқ ҳўжалиги барқарорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади.

Муҳандислик ишлари тўлиқ замонавий стандартлар асосида, илгор хорижий компаниялар иштирокида олиб борилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришга етакчи халқаро институтлар, шу жумладан, Осиё тараққиёт банки ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки қизқиш билдирган.

Ушбу лойиҳа тармоқнинг илмий ва ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, минглаб хонадонлар ва янги корхоналарни "яшил" энергия билан таъминлашга хизмат қилади.

Олий даражадаги музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш ва алмашиш маросими бўлди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон тарихий аҳамиятга эга Абадий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладилар.

Бундан ташқари, ҳукуматлар, вазирлик ва идоралар даражасида кўп қиррали Ўзбекистон — Тожикистон ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 11 та ҳужжат имзоланди.

(Давоми 2-бетда) ▶

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ҚАРОРИ

2022 йил 14 май

№ 7

Тошкент шаҳри

Жиноят ишларини биринчи инстанция судада муҳокама қилиш бўйича суд амалиёти тўғрисида

Жиноят-процессуал қонунга ўзгартиришлар киритилганлиги, суд амалиётида масалалар келиб чиқаётганлиги муносабати билан ҳамда қонуннинг бир хил ва тўғри қўлланилишини таъминлаш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига асослашиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори иш ҳолатлари ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона текширилишини таъминлаш, жиноят содир этилиши сабаблари ва унга имкон яратган шарт-шароитларни аниқлаш мақсадида жиноят ишларини биринчи инстанцияда муҳокама қилишда процессуал қонун нормаларига қатъий риоя этиш за-

рурлигига қаратилсин.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (бундан буюн матнда ЖПК деб юритилади) мувофиқ суд жиноят ишини муҳокама қилишга, фақат ЖПК 49-бобда назарда тутилган барча зарур ҳаракатлар ба-жарилгандан кейин киришишга ҳақли.

(Давоми 2-бетда) ▶

Моҳият

Давлат хизматчиси мақоми: мажбурият, ваколат ва масъулият



Мамлакатимизда давлат хизмати фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга давлат органлари ва ташкилотлари ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий таъминлашнинг замонавий тизimini яратиш бўйича муҳим чора-тадбирлар кўрилатгани ҳам яққол мисол бўла олади.

Олий Мажлис Сенатининг ойигирма олтинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишларнинг мантиқий давомидир.

Айтиш керакки, бу янги қонун давлат фуқаролик хизмати, номзодларни очиқ мустақил танлов орқали саралаб олиш жараёнини комплекс

тарзда ҳуқуқий тартибга солишни таъминловчи, шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг иш самарадорлиги ва компетенциясини баҳоловчи мезонларни, уларнинг малакасини оширишга бўлган талабларни белгиловчи тўғридан-тўғри таъсир кучига эга ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

Гўрўғли тарихий шахсми?

Маълумотларга кўра, Гўрўғли қаҳрамон сифатида талқин этилган дostonлар бизнинг халқимиздан ташқари қозоқ, қирғиз, туркман, озарбойжон, турк, уйғур, тожик, арман, грузин, боринги, 22 миллатнинг оғзаки ижодида учрайди. Бу борада турли мамлакатларда ўнлаб китоблар чоп этилган. Гўрўғли номи қардош халқлар оғзаки адабиётида турлича номланади. Дейлик, бу ўлмас қаҳрамонни туркманлар Gogogly, озарбойжонлар Kogoglu, турклар Koroglu қозоқлар Короғлы, қирғизлар Коруулу, тожиклар Гўрўғли деб аташади.

(Давоми 4-бетда) ▶

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг туб замирида фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш сингари эзгу мақсад мужассам.

Таҳлил ва тақлиф

Буйруқ тартибида иш юритиш: такомил зарурати



Маълумки, Конституция-мизнинг 36-моддасига мувофиқ ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Ушбу конституциявий тамойилни амалга ошириш учун амалдаги қонунчилик талабларига асосан жисмоний шахслар банк ва бошқа кредит ташкилотлари билан ўзаро келишилган, ихтиёрий ва эркин тарзда тузилган кредит шартномалари асосида кредит маблағлари олиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишмоқда. Ал-

батта, банкдан олинган кредит маблағи ўз вақтида қайтарилиши керак. Акс ҳолда тегишли ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Статистик маълумотларга қараганда, биргина Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича тўқсонлараро судлари томонидан кредит шартномаси юзасидан қарздорликни ундириш мақсадида 2021 йилда 26079 та фуқаролик иши кўриб чиқилган.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун ижодкорлиги

Электрон рақамли имзо

ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда



Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолига давлат хизматларини қулай ва осон шаклларда кўрсатиш қўламли кенгайиб бормоқда. Нагигада фуқароларнинг идорама-идора сарсон бўлиб юришининг олди олинмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

Қонун талаби

Бекор бўлган қарорлар

ёҳуд

қонунга беписандлик оқибатлари

Жорий йилнинг дастлабки чорагида Фарғона туманлараро маъмурий суди томонидан туман ва шаҳар ҳокимларининг 37 та қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. Уларнинг орасида Олтиариқ тумани ҳокимлиги "етақчи" ўринлардан бирини эгаллайди. Устига устак Олтиариқ туманида суд қарорига нисбатан беписанд муносабатда бўлиш ҳолати ҳам кузатилди.

(Давоми 3-бетда) ▶

ЎЗБЕКИСТОН — ТОЖИКИСТОН:

МАҚСАДАРИ МУШТАРАК, ДАВР СИНОВИДАН ЎТган ИШОНЧЛИ СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛАР

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Жумладан:
 - Саноат кооперацияси соҳасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш бўйича "йўл харитаси";
 - Маданият вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган маданий ва санъат соҳаларидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;
 - Ўзбекистоннинг Жиззах вилояти ва Тожикистоннинг Сўғд вилояти ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "йўл харитаси";
 - Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида меморандум;
 - Ипакчилик тармоғида ҳамкорлик тўғрисида меморандум.

Маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ўтказилган брифингда Президентлар музокаралар очиклик, ўзаро ишонч, англашув ва дўстона руҳда ўтган, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Тожикистон халқлари манфаатларига хизмат қилишини таъкидладилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмонни ва ушбу мамлакат делегацияси аъзоларини меҳмондўст Ўзбекистонга ташрифи билан қутлаб, Тожикистон бизнесининг асрлар синовидан ўтган яқин қўшимчи, содиқ дўстими ва ишончли стратегик шеригимиз эканини яна бир бор таъкидлади.

— Ўзбекистон халқи биродар тожик халқи билан тарих, маданий-маънавий мерос ва аждодларимизнинг эзгу анъаналари муштараклигига асосланган дўстлик ва яхши қўшимчи муносабатларини кадрлайди. Ёруғ кунларда ҳам, синовли дамларда ҳам биз доимо елкама-елка турганмиз, бир-биримизни қўллаб-қувватлаганмиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз биргаликдаги сазй-ҳаракатлар билан икки томонлама муносабатларда ҳақиқатдан катта марраларга эришишга, уларни жуда юқори даражага кўтаришга муваффақ бўлинганини таъкидлади.

— Айнаш шу туйғайли бугун чинакам тарихий аҳамиятга эга қарор қабул қилинди. Биз Абдий дўстликни мустаҳкамлаш ва иттифоқчилик тўғрисидаги декларацияни имзоладик, — деди Шавкат Мирзиёев.

— Ўзбекистон Президенти мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссасини Тожикистонда жуда қадрлашди. Жорий йил октябрь ойида Тожикистон ва Ўзбекистон дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўттиз йиллигини нишонлайдилар. Аҳамиятлиси, биз учун муҳим бўлган айнан шу йилда муносабатларимизни иттифоқчилик даражасига кўтариш бўйича тарихий қарор қабул қилдик, — деди Эмомали Раҳмон.

Кейинги йилларда икки томонлама товар айирбoshi ҳамжи қарийб 40 баробарга, жорий йил бошидан эса 35 фоизга ошган мамнуният билан қайд этилди.

Шу йил 20 июнь кунидан бошлаб Тошкент — Душанбе йўналишида йўловчи поездининг қатнови йўлга қўйилди. Томонлар янги транзит йўлакларини шакллантириш ва замонавий логистика инфратузилмасини яратиш, ҳаво, темир йўл транспорти ва автобуслар қатновини кўпайтириш, биргаликда агрокластерлар ва замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва учинчи мамлакатлар бозорларига чиқишга келишиб олдилар.

Энергетика ва сувдан оқилона фойдаланиш борасида самарали ҳамкорлик учун ноёб имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан Тожикистон Президентининг Музликларни асраш халқаро фондини ташкил этиш ва 2025 йилни Музликларни ҳимоя қилиш халқаро йили деб эълон қилиш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Музокараларда парламентлараро мулоқот ва халқ дипломатиясини янада кенгайтириш, худудлараро алоқаларни ривожлантириш ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

— Биродар халқларимизни ўзаро боитиши ва яқинлаштиришга, мамлакатларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган миллатларимизнинг кўп сонли вакиллари бизни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда. Биз миллий маданий марказларнинг муваффақиятли фаолияти учун бундан буён ҳам зарур шароитлар яратишга тайёр эканимизни тасдиқлади, — деди Ўзбекистон Президенти.

Бундан ташқари Ўзбекистон ҳар йили Тожикистон фуқаролари учун ажратиладиган таълим грантлари сонини кўпайтирмоқчи.

Мамлакатларимизда кино, маданият кунлари ва турли фестивалларни мунтазам ўтказиб бориш давом эттирилади.

Маълумки, жорий йилда буюк шоирларимиз Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг яқин дўстлигига бағишланган қўшма фильмни суратга олиш бошланади.

— Ўйлайманки, фильм намойиши давлатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатларнинг 30 йиллигини кенг нишонлаш доирасида узок кутилган воқеа бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Тожикистон етакчилари минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашдилар, Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувларининг алоҳида аҳамиятини, халқаро ташкилот ва тузилмалар доирасида конструктив мулоқот ва ўзаро қўмакни давом эттириш зарурлигини қайд этдилар.

Тадбир якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг тарихий ташрифи натижалари, ҳеч шубҳасиз, халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, ўзаро англашув ва яхши қўшимчилик ришталарини янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Тошкент шаҳридаги Технопаркка ташриф бурди.

Давлатимиз раҳбари томонидан асос солинган ушбу саноат мажмуасида умумий қиймати 365 миллион долларлик 17 та лойиҳа йўлга қўйилган. Бугунги кунда шундан 13 таси ишга тушган бўлиб, электрон газ ҳисоблагич, музлатгич, саноат кондиционерлари ва совутиш тизимлари, лифт ва эскалаторлар, сув насослари, эшик ва дераза ромлари учун аксессуарлар ясалоқда.

Бу йил изоляция маҳсулотлари, сув иситиш ускуналари, ошхона техникаси корхоналари ҳамда логистика маркази ишга туширилади.

Тожикистондаги меҳмонларга Технопаркда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг афзалликлари ҳақида сўзлаб берилди.

Бу товарлар хорижий брендлар номида ва уларнинг назорати остида тайёрланиши боис харидорғир. Сифат ва нарх муносабалиги билан қўшни мамлакатлар бозоридан ҳам ўрин эгалламоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев икки давлатнинг турдош муассасалари раҳбарларига ўзаро яқиндан ишлаб, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва савдони кенгайтириш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг саноат салоҳияти, маҳсулотларнинг кенг асортименти ва сифати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Зиёдилла ЖОНИБЕКОВ,
Абдулазиз МУСАЕВ
ЎзА мухбирлари

◀ (Бошланиши 1-бетда)

3. ЖПК 406-моддасига мувофиқ, ҳар бир жиноят иши айнан бир таркибдаги суд ёки бир судья томонидан кўриб чиқилиши лозим. Бунда шуни назарда тутиш керакки, ваколат мuddати яқунлангани, бошқа судьялик лавозимига ёки бошқа ишга ўтгани муносабати билан судьянинг (шу жумладан, халқ маслаҳатчисининг) ваколатлари тугаган тақдирда, кўрилиши тугалланмаган иш суднинг бошқа таркибидан бошидан кўриб чиқилиши лозим.

4. ЖПК 407-моддасида назарда тутилган ҳолларда ишда иштирок этган захиродаги халқ маслаҳатчиси суд мажлисида иш муҳокамаси бошлангандан тугагунга қадар узлуксиз иштирок этиши шарт.

Қонун мазмунига кўра, захирадаги халқ маслаҳатчиси далиллари текширишда иштирок этишга, раислик қилувчи рухсати билан сўроқ қилинаётган шахсларга саволлар беришга ҳақли.

5. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, ишнинг барча ҳолатлари синчковлик билан, ҳар томонлама, тўлиқ, ҳолисона текширилишини таъминлаш ва ҳақиқатни аниқлаш мақсадида қонун суд мажлисида раислик қилувчига суд муҳокамасини ташкил этиш бўйича муайян ваколатлар юклатилади.

Суд мажлисида раислик қилувчи бутун суд муҳокамаси давомида жиноят процессининг, суд айблов ёки ҳимоя тарафида бўлмаслиги ва уларнинг ҳеч қандай манфаатларини ифодаламаслиги, балки ҳолислик ва берағазликни сақлаган ҳолда, тарафлар ўз процессуал мажбуриятларини бажаришлари ва берилган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришини назарда тутувчи муҳим принципни таъминлаши шарт.

6. Судларга тушунтирилсинки, ЖПК 25-моддасининг олтинчи қисми, 26-моддасининг биринчи қисми, 409 ва 439-моддаларига кўра, прокурор суд процессининг иштирокчиси сифатида одил судловни амалга ошириш учун муҳим бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, булар давлат айбловчиси томонидан айблов ҳулоасининг (айблов далолатномасининг) ҳулоаси қисмида баён этилган айбловни ўқиб эшиттириш, далиллари текширишда бевосита иштирок этиш: судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳларни сўроқ қилиш, экспертларнинг ҳулоасини тинглаш, ашёвий далилларни кўздан кечириш, судда баённомалар ва ишнинг бошқа ҳужжатларини ўқиб эшиттиришдан иборат.

Қонунда баён этилган вазифаларни бажариш суддан жиноят қонуни нормаларини қўллаш, судланувчининг ҳаракатларини квалификация қилиш, унга жазо тури ва миқдорида белгилаш, жиноят содир этилишига имкон берган сабаблар ва шарт-шароитлар тўғрисида ҳолисона фикр баён қилиш учун прокурорга имконият яратиш мақсадида жиноят иши муҳокамаси чоғида унинг узлуксиз иштирок этишини таъминлашни талаб этади.

ЖПК 412-моддасининг биринчи қисми талабига мувофиқ, прокурор суд мажлисига келмай қолган тақдирда, суд жиноят иши муҳокамасини кейинга қолдиради. Прокурор узрли сабабсиз келмай қолган тақдирда, суд бу ҳақда юқори турувчи прокурорга хабар бериши шарт.

7. Шуни назарда тутиш лозимки, ЖПК 410-412-моддаларига мувофиқ, судланувчи, ҳимоячи ва прокурорнинг суд мажлисига келиши уларнинг мажбурияти ҳисобланади, чунки бу иш материалларини тўлиқ, ҳар томонлама ва ҳолисона текшириш зарурати билан бевосита боғлиқ бўлиб, бунга рия этмасдан қонуний ва адолатли қарор қабул қилиш имконияти йўқ.

Шу муносабат билан қайд этилган процесс иштирокчиларидан бирор-таси суд мажлисига келмаган тақдирда, ишнинг муҳокамаси кейинга қолдирилиши (ЖПК 410-моддасининг учинчи қисми билан назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно) ва унинг судга келишини таъминлаш бўйича қонунда назарда тутилган чоралар кўрилиши лозим.

8. ЖПК 410-моддасининг учинчи қисмига кўра, судланувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида бўлиб, судга келишдан бўйин товласа, унинг йўқлиги эса иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга монелик қилмас, суд ишни судланувчи иштирокисиз кўришга ҳақли.

Суд мажлисини судланувчи иштирокисиз ўтказиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқишда, судья ЖПК 388-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ, судланувчининг ҳимоя

чисига айблов ҳулоаси ёки айблов далолатномаси нусхаси топширилган-топширилмаганлигини текшириши лозим.

9. ЖПК 414-моддасига кўра, биринчи инстанция судида жиноят ишини муҳокама қилиш фақат иш бўйича айбланувчи сифатида жалб қилинган шахсларга нисбатан ва эълон қилинган айб доирасида амалга оширилади.

Судланувчига ёки ишга айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб этилган янги шахсларга нисбатан янги, оғирроқ ёки ҳақиқий ҳолатга кўра дастлабки айбловдан жиддий фарқ қиладиган айблов бўйича иш фақат ЖПК 416 ва 417-моддаларига назарда тутилган шартлар ва тартибга риоя этган ҳолда муҳокама қилиниши мумкин.

10. ЖПК 420-моддасига мувофиқ, кўрилиши бошланган жиноят иши қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:
 судланувчи суддан яширинса;
 судланувчи суд мажлисига келишига имконият бермайдиган руҳий ёки бошқа оғир касалликка чалинганда;

суд томонидан прокурорга ЖПК 416 ва 417-моддаларида назарда тутилган тартибда қўшимча процессуал ҳаракатлар амалга оширилишини топшириш ҳақида ажрим чиқарилса.

ЖПК 420-моддасида назарда тутилган ҳолатлардан келиб чиқиб, суд ишни бирор судланувчига нисбатан ёки бутунлай тўхтатиши мумкин.

11. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, барча процессуал ҳаракатларни изчил бажармасдан ва суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ҳал қилиниши лозим бўлган масалаларни аниқламасдан туриб, суд терговини ЖПК 52-боби талабларига қатъий риоя этган ҳолда ўтказиш учун шарт-шароит бўлмайд.

Суд муҳокамасининг ушбу қисмида раислик қилувчи судланувчининг шахси билан боғлиқ (ЖПК 434-моддаси) барча масалаларни синчковлик билан аниқлаш лозим.

Суд мажлисининг тайёргарлик қисмида раислик қилувчи томонидан судланувчи шахсига оид маълумотларнинг аниқлишини судни суд терговини давомида жазо чорасини ва жазони ижро этиш муассасаси турини белгилашга оид масалаларни ҳал қилиш учун аҳамиятли бўлган судланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатларни (ЖПК 82-моддаси) синчковлик билан ўрганиш мажбуриятдан озод этмайди.

12. ЖПК 438-моддаси мазмунига кўра, суд муҳокамаси иштирокчиларининг янги гувоҳларни, экспертларни, мутахассисларни чақириш тўғрисидаги, ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисидаги илтимосномалари бевосита улар арз қилинган ва муҳокама қилингандан сўнг ҳал этилиши лозим. Суд муҳокамаси иштирокчилари доирасини аниқлаш ва ишнинг ҳаракати билан боғлиқ бошқа барча илтимослар ҳам (жабрланувчи, фуқаровий даъвогар сифатида тан олиш тўғрисида, ишни тўхтатиш ёхуд унинг муҳокамасини кейинга қолдириш тўғрисида, ишни тугатиш тўғрисида ва бошқалар), улар суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ёки суд муҳокамаси давомида арз қилинганлигидан қатъий назар, шу қоидалар асосида ҳал қилинади.

Иш судга келиб тушганидан сўнг, лекин суд муҳокамаси бошлангунга қадар келиб тушган илтимосномалар суд мажлисининг тайёргарлик қисмида ҳал қилиниши лозим. Бироқ, уларнинг тўғри ҳал қилинишини таъминлаш мақсадида иш бўйича раислик қилувчи илтимосномани кўриб чиқини кейинга қолдириш ва муайян ҳаракатларни (маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва ҳоказо) амалга ошириши мумкин.

Қонунга кўра (ЖПК 438-моддасининг учинчи қисми), илтимосномани қаноатлантиришни рад этиш тарафини ушбу илтимосномани бошқа асослар бўйича суд муҳокамаси давомида қайта арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

13. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, эҳтиёт чорасини қўллаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги, паспорт ҳаракатини тўхтатиб туриш тўғрисидаги, айбланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсини тиббий муассасага жойлаштириш тўғрисидаги, судланувчининг тиббий муассасада бўлиши мuddатини узайтириш тўғрисидаги, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги, мурдани эксгумация қилиш тўғрисидаги, рад этиш тўғрисидаги, жиноят ишини тўхтатиш ёки уни прокурорга ўтказиш

тўғрисидаги, бошқа органларга ижро этиш учун юбориладиган ажримлар, шунингдек, хусусий ажримлар алоҳида хонада (маслаҳатхонада) алоҳида ҳужжатлар кўринишида чиқарилади.

Бошқа масалалар бўйича ажримлар суд мажлисининг ўзида, суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) кирмасдан чиқарилиши мумкин ва ЖПК 423-моддасининг тўртинчи қисмига мувофиқ қарор қабул қилиниши сабабларини кўрсатган ҳолда суд мажлиси баённомасига киритиб қўйилади.

Суд томонидан суд мажлиси давомида ҳал қилинадиган барча масалалар бўйича ажримлар дарҳол эълон қилиниши лозим (ЖПК 423-моддасининг бешинчи қисми).

14. Судланувчининг кўрсатмалари фақат ЖПК 104-моддасида назарда тутилган ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин ва суд томонидан суд терговини давомида текширилиши лозим.

15. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари ЖПК 55, 57, 59, 61, 63-моддаларига мувофиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча суд мажлисларида иштирок этишга ҳақлидирлар. Шу сабабли бу шахсларнинг кейинги суд мажлисларида иштироки ихтиёрий (уларнинг иштироки суд томонидан зарур деб топилган ҳоллар бундан мустасно) бўлиб, бу ҳақда иш муҳокамаси кейинга қолдирилганда суд мажлиси баённомасида қайд этган ҳолда тушунтирилиши шарт.

16. Судланувчилар, жабрланувчилар ва гувоҳлар сифатида воёга етмаган шахслар иштирок этган иш муҳокама қилинаётганда, ишнинг алоҳида ҳолатларини аниқлаш бундай шахсларга салбий таъбир кўрсатиши мумкинлигини инобатга олиб, судлар ҳар бир ҳолда бундай ҳолатларни текшириш чоғида суд залида воёга етмаганлар ҳозир бўлиши зарурлиги масаласини муҳокама қилишлари лозим.

17. Ишнинг муайян ҳолатларини аниқлаш учун фан, техника, санъат ёки ҳунар соҳасида махсус билимлар зарур бўлган барча ҳолларда, экспертиза ўтказиш зарурлиги ёки бу ҳолатлар суд муҳокамасига мутахассисни жалб этиш орқали аниқлишини мумкинлиги масаласи ҳал қилиниши лозим.

Мутахассис далилларни текшириш чоғида судга ёки суд процесси иштирокчиларига махсус билим ва кўникмалар зарур бўлиб қолганда (масалан, технологик ёки ишлаб чиқариш жараёниги, у ёки бу касбнинг ўзига хос хусусиятларини тушунишда ва ҳоказо) суд муҳокамасига таклиф этилади. Мутахассис фикри суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши шарт. Мутахассис олдида эксперт ваколатига қирадиган саволларни қўйишга йўл қўйилмайди. Унинг фикрини эксперт ҳулоасига тенглаштириб бўлмайди.

Эксперт ҳулоаси қонунга мувофиқ далил турларидан бири ҳисобланади ва тадқиқотларни амалга ошириш асосида берилади. Эксперт олдида мутахассис ваколатига кирувчи саволлар қўйилиши мумкин. Судлар экспертиза ўтказиш учун асослар мавжуд бўлганда, экспертиза ўтказишнинг экспертнинг сўроқ қилиш билан алмаштиришга йўл қўймасликларни керак.

18. Судларнинг эътибори иш бўйича ҳақиқатни аниқлашда ашёвий далиллар, ҳужжатларни текшириш, жой ва бинони кўздан кечириш муҳим аҳамият касб этишига қаратилсин.

Ашёвий далиллар ва ҳужжатлар суд мажлисида иш бўйича бошқа далиллар билан тенг равишда синчковлик билан текширилиши (тегишлик кўздан кечирилиши, ўқиб эшиттирилиши) лозим бўлиб, айни пайтда улар тақдим этилган шахслар уларни текшириш билан боғлиқ у ёки бу ҳолатларга суднинг эътиборини қаратишлари мумкин. Суднинг ашёвий далилларни кўздан кечириш ва ҳужжатларни ўқиб эшиттириш бўйича барча ҳаракатлари суд мажлиси баённомасида акс эттирилиши керак.

19. Судлар шуни назарда тутишлари лозимки, ЖПК 262-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, гувоҳ судга келишдан узрли сабабларсиз бош тортганда, у мажбурий келтирилиши мумкин. Жумладан, қуйидагилар гувоҳнинг судга келмаслигига узрли сабаблар деб тан олинishi мумкин: уни судга келиш имкониятидан маҳрум этувчи касалликка чалинганда; оила аъзоси касалликка чалиниб,

уни парваришлашни бошқа бировга топширишининг имкони бўлмаганда; чақирув қоғози унга ўз вақтида топширилмаганда;

табiiй офат оқибатида келишнинг иложи бўлмаганда;

гувоҳнинг судга белгиланган муддатда келишига тўсқинлик қилган бошқа объектив сабаблар бўлганда. 20. ЖПК 296-моддасига мувофиқ, жиноят содир этилишига имкон яратган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш суд муҳокамасининг муҳим таркибий қисми эканлигини ҳисобга олиб, судлар ҳар бир жиноят ишини кўриб чиқиш чоғида етарли асослар мавжуд бўлганда, хусусий ажрим чиқаришлари лозим.

Суд суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказилиши даврида йўл қўйилган камчиликларни аниқласа, хусусий ажрим чиқариш йўли билан бунга тегишли мансабдор шахсларнинг эътиборини қаратиши лозим.

21. Суд мажлиси баённомаси иш бўйича энг муҳим процессуал ҳужжатлардан бири эканлигини назарда тутиб, судлар уни тузиш сифатини ошириш чораларини кўришлари керак.

Баённома ЖПК 426-моддаси талабларига қатъиян мувофиқ тарзда тузилиши лозим. Бунда қуйидагилар баён этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим:

суд муҳокамаси иштирокчилари томонидан берилган илтимосномалар ва уларнинг муҳокамаси тартибига; маслаҳатхонага кирмасдан суд мажлисида чиқарилган суд ажримларига; судланувчининг унга нисбатан эълон қилинган айблов мазмунуни бўйича, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг иш ҳолатлари бўйича берган кўрсатувларига;

далилларни текшириш жараёнига. Баённома сифатли ва ўз вақтида тузилиши учун раислик қилувчи билан бир қаторда суд мажлиси котиби жавобгар бўлиб, у ЖПК 32-моддасига мувофиқ, баённомада суднинг ҳаракатлари ва қарорларини, шунингдек, суд муҳокамаси иштирокчилари ҳаракатларини тўлиқ ва тўғри баён қилиб бориши шарт.

Баённома бир неча суд мажлиси котиби томонидан юритилганда, улардан ҳар бири баённоманинг ўзи юритган қисмини имзолайди.

22. ЖПК 449-моддасига мувофиқ, тарафлар музокараси давлат ва жамоат айбловчиси нутқи билан бошланади. Сўнгра жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки уларнинг вакиллари, ҳимоячи ва жамоат ҳимоячиси, судланувчи, фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили сўзга чиқади.

Судларга тушунтирилсинки, музокаралар тугагандан сўнг тарафлар ЖПК 457-моддаси биринчи қисмининг 1-6-бандларида назарда тутилган масалалар юзасидан ўзлари таклиф этган қарор мазмунини судга ёзма тарзда тақдим этишлари мумкин. Давлат айбловчиси ва ҳимоячи музокаралар тугагандан сўнг суд алоҳида хонага (маслаҳатхонага) киргунга қадар судга ўзларининг ёзма таклифини беришга мажбур.

23. Тарафлар музокараси иштирокчилари ўз сўзларида, судланувчи эса, шунингдек, охириги сўзида иш учун муҳим аҳамиятга молик янги ҳолатлар тўғрисида хабар беришлари, суд, суд терговини ЖПК 452-моддаси талабларига мувофиқ, янгидан бошлаб, судланувчининг ушбу ҳолатлар тўғрисида батафсил сўроқ қилиши ҳамда уларни процессуал қонуннинг суд терговига оид талабларига риоя этган ҳолда синчковлик билан текшириши лозим.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига, Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар, Тошкент шаҳар судларига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига ишларни апелляция тартибиде кўраётганда биринчи ин

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ушбу қонун нормалари фақат давлат фуқаролик хизмати давлат реестрига киритилган лавозимларда фаолият юритаётган давлат хизматчиларига нисбатан татбиқ этилади. Давлат реестри эса, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланади.

Бундан ташқари янги қонунда давлат фуқаролик хизматини тартибга солишда давлат органларининг асосий ваколатлари аниқ белгиланган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат фуқаролик хизматини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш, Президент номенклатурасига киритилган раҳбарлик лавозимларга шахсларни тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколатига эга.

Ўз навбатида, Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат таркибига кирувчи давлат органларининг давлат фуқаролик хизмати соҳасига оид фаолиятини мувофиқлаштириб, соҳани ривожлантиришга оид давлат дастурлари ва лойиҳаларнинг молиявий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги соҳада янги давлат сиёсатини амалга ошириш, муаммо ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ҳамда давлат органларида самарали кадрлар сиёсатини таъминлашга масъул бўлади.

Янги қонун билан давлат фуқаролик хизматидаги кириш, уни ўташ ва тугатишнинг асослари белгиланмоқда.

Энг муҳими, давлат фуқаролик лавозимлари тоифасига кўра, "сиёсий", "бошқарув" ва "ёрдамчи" гуруҳларга ажратилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми, лавозимга тайинлаш ва хизматни ўташ тартиби жорий қилинмоқда.

Янги қонуннинг ҳаётга тат-

ҳам беришга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки қонунда давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш инсон омили-сиз, яъни очик танлов асосида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, коррупциявий жиноятларни содир этган шахслар

давлат байрамлари ва расмий тадбирларда ўзининг эришган ютуқлари муносабати билан давлат органи раҳбарининг буйруғига асосан совға ёки мукофот олиши мумкин.

Ушбу қонун барча фуқаролар, шу жумладан, иқти-

давлат томонидан амалга оширилади.


Илгари давлат органлари ва ташкилотларига ишга қабул қилиш бевосита иш берувчи томонидан амалга оширилган бўлиб, ишга қабул қилишда аксарият иш берувчилар хотин-қизлар ҳамда олий ўқув юртини тамомлаб келган ёшлар меҳнатидан воз кечган. Эндиликда давлат фуқаролик хизматига қабул қилиш очик танлов асосида, инсон омили-сиз ўтказилади. Бунинг натижасида гендер тенглик таъминланади.

Статистик маълумотларга кўра, давлат органлари томонидан 64 мингтага яқин лавозимга танловлар ўтказилган. Шундан 800 минг нафарга яқин номзод электрон шаклда аризалар билан қатнашган.

Танловлар якунида ишга қабул қилинганлардан 52 фоизини аёллар, 42 фоизини ёшлар (30 ёшгача) ташкил этган. Бу танловларда барча фуқароларга тенг имконият яратилаётганидан далиллар берилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, янги қонун давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдида масъуллиги, инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши баробарида, ижтимоий ва иқтисодий соҳани ривожлантириш, жумладан, инсон қадрини юксалтиришга ҳисса қўшади.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Сенати
Суд-ҳуқуқ масалалари ва
коррупцияга қарши
курашиш кўмитаси раиси



биқ этилиши натижасида давлат хизмати соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилади. Давлат хизматчиларининг тоифаси, мақоми, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ масалалар қонун асосида кафолатланишига эришилади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш устувор вазифа ҳисобланади. Янги қонун коррупциявий иллатларга бар-

давлат фуқаролик хизматида қабул қилинмаслиги ва давлат хизматчиларининг даромади ҳамда мол-мулкнинг декларациялаш тизими жорий этилиши қатъий равишда белгиланмоқда.

Давлат фуқаролик хизматида совға билан муомала қилиш, яъни давлат фуқаролик хизматчининг хизмат мавқеидан фойдаланиб ёки ўз хизмат вазифаларини бажариши эвазига жисмоний ва юридик шахслардан ҳар қандай турдаги совға олиши тақиқланмоқда.

Шу билан бирга, давлат фуқаролик хизматчиси фақат

дорли хотин-қизлар ва ёшларнинг давлат органларида фаолият кўрсатишига тенг ва шаффоф имконият яратилишида муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, янги қонунда давлат фуқаролик хизматида манфаатлар тўқнашуви-нинг олдини олиш бўйича ҳуқуқий асослар белгиланган. Давлат хизматчиси ўз фаолиятида манфаатлар тўқнашуви юзага келганда, дарҳол ўз раҳбарини огоҳлантириб, ёзма равишда хабар бериши шарт.

Давлат фуқаролик хизматчининг ижтимоий ҳимояси

Таҳлил ва тақлиф

Буйруқ тартибида иш юритиш: такомил зарурати

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Бу фуқаролик ишларининг 22915 таси (87,9 фоизи) бўйича даъво талаби қаноатлантирилган, 56 таси (0,2 фоиз) рад этилган, 2920 та (11,2 фоиз) ариза кўрмасдан қолдирилган ва 188 таси (0,7 фоиз) иш юритишдан тугатилган. Бунда 4694 та (18 фоиз) фуқаролик иши банклар, 21385 таси (82 фоиз) бошқа кредит ташкилотларининг даъво аризаси бўйича кўзга тутилган.

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, иш юритиш тугатилган ва кўрмасдан қолдирилган аризаларнинг аксарияти кредит бўйича қарздорлик тўлангани ёки давоварнинг аризасига асосан тугатилган бўлиб, ушбу аризалар иш судда кўрилгунга қадар ҳал этилган.

Бундан ташқари 2021 йил давомида Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатида банк ва кредит ташкилотлари томонидан киритилган апелляция шикоят (протест)лари асосида 104 та иш апелляция инстанциясида кўриб чиқилган бўлиб, шундан 76 та (73,1 фоиз) иш бўйича суд қарорлари ўзгартирилган, 14 та ҳал қилув қарори ва 4 та ажрим (17,3 фоиз) бекор қилинган ва 10 та иш бўйича ҳал қилув қарорлари (9,6 фоиз) ўзгартирилган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, кредит шартномаси билан боғлиқ ишларнинг 15754 таси (68,7 фоиз) сиртдан иш юртиш тартибида кўрилган. Қолаверса, ушбу тоифадаги иш-



ларнинг аксариятида тарафлар ўртасида низо юзага келмаган бўлиб, кредит берувчи ташкилотлар шартнома мажбуриятлари кредит олувчи томонидан муддатида бажарилмагани оқибатида судга мурожаат қилган, холос.

Холбуки, ушбу тоифадаги ишларни суд муҳокамаси ўтказмасдан, тарафлар судга чакиртирилмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшит-

масдан ҳал этиш мумкин. Бунинг учун кредит шартномаси асосида вужудга келган қарздорликни суд буйруғи тартибида кўриб чиқиш кифоя. Ана шунда фуқаролик судларида кўриладиган иш ҳажми анча камайиши баробарида ортиқча овозгарчиликларнинг олди олинади.

Бахтиёр АЛИМЖОНОВ,
Судьялар олий мактаби
тингловчиси

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Гап шундаки, 2021 йил 8 февраль кунини туман ҳокимининг 45-сонли қарори қабул қилиниб, унга биноан Улуғбек Абдуллаевга пахтачилик-галлачилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил этиш учун туман захирасидаги 27,7 гектар ер майдони ажратиб берилади. Натижада "OVOD OLMAZOR ZAMINI" фермер хўжалиги ташкил қилинади.

Қолаверса, 2021 йил 22 февраль кунини Олтиариқ тумани ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида 34-сонли узоқ муддатли ижара шартномаси ҳам тузилиб, у давлат рўйхатидан ўзгариб кетган фермернинг хурсандчилиги узоққа чўзилмади. Нега деганда, 2021 йил 3 март кунини туман прокуратураси томонидан ушбу қарорни бекор қилиш тўғрисида протест киритилади. Шу боис 2021 йил 11 март кунини туман ҳокимининг 2021 йил 8 февралдаги 45-сонли қарорини бекор қилиш ҳақидаги 160-сонли қарори қабул қилинади.

Тўғриси, бундан У.Абдуллаевнинг ҳафсаласи пир бўлади. Айни ерга ишлов берадиган маҳалда шундай муаммога дуч келганидан у қаттиқ ранжийди. "Нима қилсам, қандай йўл тутсам экан?" — дея фермернинг боши қотади. Охир-оқи-

Қонун талаби

Бекор бўлган қарорлар

ёхуд қонунга бепусандлик оқибатлари

бат Олтиариқ тумани ҳокимининг 2021 йил 11 мартдаги 160-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўраб, Фарғона туманлараро маъмурий судига даъво аризаси билан мурожаат қилади. Фарғона туманлараро маъмурий судининг 2021 йил 15 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан туман ҳокимининг 160-сонли қарори ҳақиқий эмас, деб топилади. Мазкур суд қарори айни пайтда ҳам ўз кучида. Айтмоқчимизки, ушбу суд қарорига нисбатан апелляция ёхуд кассация тартибида шикоят берилмаган.

Бироқ Олтиариқ тумани ҳокимлиги мутасаддилари бошқача йўл туттишда — айни масала туман кенгаши сессиясига киритилади. Натижада ҳалқ депутатлари Олтиариқ тумани кенгашининг 2021 йил 19 майдаги 11.5/32-6-сонли қарори билан фермерга ажратилган қишлоқ хўжалиги ер майдони туман давлат захирасига қайтарилиши белгиланади.

Лекин туман кенгаши ёки туман ҳокимлиги томонидан бу

хусусида Улуғбек Абдуллаевга хабар берилмайди. Фермер 2021 йилнинг декабрь ойида Риштон туманлараро иқтисодий судига ер ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан бўлиб ўтадиган суд мажлисига чакирув қоғози олгандан сўнг бундан хабар топди. Бинобарин, у яна Фарғона туманлараро маъмурий судига мурожаат қилиб, кенгаши қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўрайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 72-моддаси талабига кўра, исботлашдан озод қилиш асослари ишнинг маъмурий суд томонидан барчага маълум деб топилган ҳолатларини исботлаш талаб этилмайди. Маъмурий суднинг илгари кўрилган иш бўйича қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори билан аниқланган ҳолатлар суд шўхшакли иштирок этмаётган бошқа ишни кўраётганида янгидан исбот қилинмайди.

Ер кодексининг 24-моддаси эса, ер участкаларини ижарага олиш шартномасини муддатидан олдин бекор қи-

лиш тарафларнинг келишуви билан, бундай келишувга эришилмаган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори билан амалда оширилиши белгиланган. Бу қоида "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги қонуннинг 24-моддаси ҳам ўз ифодасини топган.

Президентимизнинг 2018 йил 1 августдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чоралари тўғрисида"ги қонуннинг 13-моддаси ҳамда "2018 йил 1 августдан давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида қўриб чиқилади, унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно" дея қайд этилган. Аммо ҳалқ депутатлари Олтиариқ тумани кенгаши мазкур фармон ва қонуний та-

лабларни инобатга олмаган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддасига асосан, ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаб ва эътирозларига асос қилиб келтираётган ҳолатларни исботлаши керак. Бироқ ҳалқ депутатлари Олтиариқ тумани кенгашининг 2021 йил 19 майдаги 11.5/32-6-сонли қарори қонуний эканини исботлаб бера олмади ва далиллар тақдим қилмади. Аслида бундай далилларнинг ўзи мавжуд эмас.

Фарғона туманлараро маъмурий суди ана шу асосларга Олтиариқ тумани кенгашининг 2021 йил 19 майдаги 11.5/32-6-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топди.

Конституцияимизнинг 114-моддасида "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир" дея қайд этилган. Ушбу конституциявий қоида Олтиариқ тумани ҳокимлиги мутасаддиларига ҳам тегишлидир. Аммо шу қоидага қарай этилса, баён этилгани каби қарорлар "уйин"и қайта содир этилмайди.

Элмурод ОРТИКОВ,
Фарғона туманлараро
маъмурий суди судьяси



ундан фойдаланишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланмоқда

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Юртимизда электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатлар 2003 йилда қабул қилинган "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун билан тартибга солинади. Ушбу қонунга ўтган вақт давомида уч маротаба тегишли ўзгартириш киритилди.

Электрон рақамли имзо — электрон ҳужжатни ўзгартириш ёки қалбақлаштиришдан ҳимоя қилувчи, файлнинг рақамли атрибутини ҳисобланади.

Электрон рақамли имзони қўллаш натижасида электрон ҳужжатларни имзолашда қоғоз сарфи камаяди. Масофадан туриб, давлат хизматларидан ва давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа маъмурий тартиб-таомиллардан электрон шаклда фойдаланиш имконияти яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари орқали бугунги кунда 300 дан ортиқ электрон давлат хизмати тақдим этилмоқда. Шулардан 130 дан ортиғи электрон рақамли имзони талаб қилади.

2021 йилда Ягона порталдаги электрон давлат хизматларидан масофавий фойдаланиш мақсадида мазкур хизматлар орқали 9,2 миллионга ариза келиб тушган.

2026 йилга бориб, 700 дан ортиқ давлат хизмати Ягона портал орқали электрон шаклда тақдим этилади. Шуни инобатга олсак, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига электрон рақамли имзони олиш ва ундан самарали фойдаланиш имкониятини яратиб бериш долзарб вазифа ҳисобланади.

Президентимизнинг "Рақамли Ўзбекистон — 2030" стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ҳамда "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармонлари бу борада муҳим аҳамият касб этди. Мазкур ҳужжатлар асосида:

- электрон рақамли имзо калитлари инфратузилмасини жалғара талабларга мослаштириш;
- учинчи ишончли томон, булутли электрон рақамли имзо тушунчаларини амалиётга жорий этиш;
- чет давлатларнинг электрон рақамли имзолар калитлари сертификатларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тан олиш бўйича қоидаларни киритиш;
- бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш;

Фаолият мезони

Суд тиббий экспертиза истиқболлари

қонунчилик асослари ва халқаро ҳамкорлик

Мамлакатимизда оғил судловни таъминлашга суд тиббий экспертиза институти фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Чунки судлар адолатни қарор топтиришда суғ-экспертиза хулосаларига ҳам таянади. "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонунга суд экспертизаси фаолиятининг умумий меъёрлари, мазкур фаолият тушунчаси, асосий принциплари, текшириш объектлари, суд экспертига қўйиладиган талаблар оид талаблар, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда экспертизани мустақиллиги ва хулосасининг ҳолислиги каби тартиб-тамомиллар аниқ белгиланган.

Таъкидлаш жоизки, барча соҳалар қатори суд экспертизаси фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ қонунчилик асослари ҳам такомиллаштириб борилмоқда. Хусусан, 2016 йилда "Суд экспертизаси тўғрисида"ги қонуннинг 4-боби янги таҳрирда, яъни "Суд-экспертлик фаолиятини молиялаштириш, ташкилий,

илмий-услубий ва ахборот билан таъминлаш, суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш", деб номланди ва "Суд экспертларининг малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириш", деб номланган янги 27-модда билан тўлдирилди.

(Давоми 4-бетда) ▶

Тарих тилсимлари

ГҲРҲҲҲҲ ТАРИХИЙ ШАХСМИ?

◀ (Бошланиши 1-бетда)

ГҲрҲғлими ёки КҲрҲғли?

Агар ўзбек дostonлари воқеаларига қаралса, бахсга ҳожат йўқдек туюлади. Чунки ўзбек, умуман, Ҳрта Осиё дostonларида ГҲрҲғли гҲрда туғилган ўғил, деган маънони берса, Кавказ ва Онадўли версияларида кҲрнинг ўғли деган маънони аналатади. Чиндан ҳам, бу дostonларда подшоҳ ГҲрҲғлининг отасини кҲзларидан жудо қилган.

Аммо шу пайтга қадар фольклоршунос олимлар ГҲрҲғли номининг келиб чиқиши борасида турли-туман фикрларни илгартиришди. ГҲрҲғли номини Миср маъбудларидан бири — Горнинг зурриёди, "Тоғ (Қир) ўғли", "Олов (кҲр) ўғли", сайқал топиб, бойиб бошлагани ҳақида қаралган. Бу дostonларнинг ҳар бири мус-

тақил сюжетга эга, муайян бир воқеа асосида қурилган. ГҲрҲғли ҳаётида ҳар бир воқеа битта дostonга айланади.

Дostonларда айтилишича...

Ўзбек дostonларига кҲра, Така-Ёвмит юртини ёв босган пайтда асир тушган Равшан ва Биби Ҳилол бир-бирига кҲнгил кҲйиб, турмуш қуради. Бу орада Равшаннинг синчилигидан хон хабар топади, уни саройга қақиртириб, отларини кҲрсатади ва фикрини сҲрайди. Равшан бу отлар орасида тулпор йўқлигини айтиб, бир ҳолвачининг отини мақтайди. Бундан аччиқланган хон Равшаннинг кҲзларидан жудо қилишни буюради.

Равшан кҲр кҲзининг хунига ҳолвачининг отини талаб олади, шу от ёрдамида қайноғаси Гаждумбек билан Ёвмитга қочади. Равшаннинг хотини Биби Ҳилол олти ойлик ҳомиласи билан вафот этади. ГҲрда ўлик онадан ГҲрҲғли туғилади. Бир от уни эмизади ва кейинчалик ГҲрҲғли шу отда Ёвмитга етиб боради. Кейинги дostonларда ГҲрҲғлининг чилтонлар билан учрашуви, Чамбил юртининг бунёд этилиши, Ёвмит элига хон қилиб кҲтарилиши, ГҲрҲғлининг КҲҳиқоф, Эрам боғида яшаган

париларни опқочиб келиши ва уларга асосида қурилган. ГҲрҲғли ҳаётида ҳар бир воқеа битта дostonга айланади.

ГҲрҲғли тарихий шахсми?

Бу савол ҳам анчадан бунён олимларни бахсга чорлаб келаётир. Деярли барча халқлар ГҲрҲғлини бевосита ўзларига тааллуқли деб билишади.

Туркманистон, Озарбойжон, Қозоғистон ҳудудларида ГҲрҲғли номи билан боғлиқ қадамжолар ҳам бор. Турклар ГҲрҲғлини 16-17 асрларда яшаган тарихий шахс, халқ ҳаракати етакчиси ва бахши деб билишади. Онадўлининг Болу вилоятида унга атаб иккита ҳайкал ўрнатилган. Вилоятнинг Тўртдегон тумани ҳудудида Сайқ қишлоғида ёғочдан қурилган эски уйни ГҲрҲғли ва унинг авлодларига тегишли деб ҳисоблашади.

Айрим тарихчилар XVI аср бошларида Усмонийлар ҳукмронлигига қарши шарқий Онадўлида бошланган жалоллийлар ҳаракати раҳнамоларидан бирининг исми КҲрҲғли бўлгани ҳақида маълумот бериб ўтишган.

Бугун ГҲрҲғлига атаб Туркия, Туркма-



нистон, Озарбойжонда ёдгорликлар ўрнатилган, кҲчалар, хиёбонлар, кҲприклар, метро станцияларига номи берилган, китоблар ёзилган, фильмлар суратга олинган. Бу турк дунёсининг буюк қаҳрамонига бўлган эҳтиромнинг ўзига хос ифодасидир.

РУСТАМ ЖАБОРОВ,
филология фанлари бҲйича
фалсафа доктори

Ҳизиқарли фактлар

Машҳур актёр Ричард Гир иштирокидаги "Хатико: энг садоқатли дҲст" номли кинофильми бутун дунёда севиб томоша қилишди. Фильмга ҳаётдан олинган реал воқеа тасвирланган. Ҳўш, аслида қандай воқеа рҲй берган? КҲйида шу ҳақда маълумот берамиз.

Вафодорлик тимсоли

ёхуд садоқатли итлар ҳақида қайғули воқеалар

1923 йилда Токио университетининг профессори Хидесабуру Уенога дҲстлари "Хатико" лақабли зотдор итни соғға қилишади. Хатико ёшлигиданоқ эгасига жуда ўрганиб қолади. Сал катта бўлгач, у эрталаб профессорни темирйўл станциясигача кузатиб кҲяди-ган, кечки пайт кутиб олади-ган бўлади. Одамлар профессорни ити билан бирга кҲришар ва Хатиконинг садоқатидан хайратга тушишарди.

1925 йилда Хидесабуру Уено талабаларга дарс ўтаётган вақтида тўсатдан миёсига қон кҲйилиши оқибатида вафот этади. Шундан сўнг Хатико ҳар куни станцияга келишни канда қилмайди ва нигоҳи билан таниш хечрани қидиради. Кейинчалик итни профессорнинг қариндошлариникига юборишади. Аммо Хатико беғона одамларнинг уйда қолишни истамайди ва у ердан қочиб эски уйига келади. Бир неча йиллар давомида станцияга чиқиб, профессорни кутишдан чарчамаган Хатиконинг маҳаллий ишчилар пайқаб қолишади, кейинчалик йўловчилар ҳам уни яхши танийди-ган бўлишади.

1932 йилда Хирокити Саито исмли талаба бу садоқатли ит ҳақида газетада мақола чоп эттирганидан сўнг Хатико бутун мамлакатга машҳур бўлади. 9 йил мобайнида ўз эгасини кутишдан чарчамаган ва унинг қайтишидан умидвор бўлган садоқатли итни кҲриш учун темирйўл станциясига одамлар оқиб кела бошлади. Улар итни турли хил егуликлар билан сиёлаб, у билан расмага тушишади.

КҲчадаги шафқатсиз ҳаёт, турли хил касалликлар, нотўғри овқатланиш ва соғинч ҳисси охир-оқибат Хатиконинг ҳолдан тойдиради. 1935 йилда унинг жонсиз танасини станция яқинидан топишади. Садоқатли ва вафо тимсоли бўлмиш Хатикога станцияда ҳайкал ўрнатилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳайкал эритилиб, фронт учун фойдаланилади. Уруш тугагач, Хатикога яна ҳайкал қўйлади. Ҳозирги пайтда бу ерга қўлаб сайёҳлар келишади. Ушбу қайғули воқеа асосида япон киноижодкорлари Британия ва Америка билан ҳамкорлигида иккита кинофильм суратга олинган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Хатикодек вафо ва садоқат тимсоли бўлган итлар бошқа жойларда ҳам бўлган. Масалан, Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида итнинг бронза ҳайкали бор. Ёдгорлик шаҳарнинг чекка ҳудудида жойлашган бўлса-да, бугунгача унинг атрофида қўлаб сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли тўпланади ҳамда унинг ёнида суратга тушади. Ҳайкал рўпарасидаги кҲчада "Грейфрайерс" номли қабристон жойлашган бўлиб, у "Грейфрайерс Бобби" лақаби билан белгиланган.

Ҳасад сой бўйида бўлиб, унинг ёнида Наттеллинг эти суягига ёпишган ити турарди. Ит 11 ҳафта давомида қор буриларни, ёмғирни ҳавода эгасининг жасади ёнидан жилмаган. У шу даражада озиб кетгандики, мустақил ҳаракат қила олмасди. Уни кҲтариб олиб тушишларига тўри келди. Бу воқеадан 19 йил ўтгач, темир йўл станцияларининг бирида Урсарнинг бронза ҳайкали ўрнатилди.

КҲриниб турганидек, одамзоднинг содиқ дҲсти бўлган итлар вафо ва садоқат бобида тенгсиздир. Бу айрим кишилар учун ўрнатилган намунасини ўтаса, ажаб эмас...

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн Мирзо тайёрлади.



итни бир неча бор ҳайдаб юборишга уринган, лекин ит ҳар сафар қабр ёнига қайтиб келган. Буни қарангки, маҳаллий аҳоли итнинг фидойчилигини қадрлаб, унинг қабрини расман қўриқлаши ҳақидаги лицензия учун пул тўлашади. Ит роппа-роса 14 йил қабр ёнида яшайди. Ўлгач, унга бронза ҳайкал ўрнатилиб, остига қуйидаги лавҳа ёзиб қўйилади: "Грейфрайерс Бобби 1872 йил 14 январда 16 ёшида ўлди. Унинг вафо ва садоқати барчамизга ўрнак бўлсин". Шундан кейин ёзувчи Элеонор Аткинсон Бобби ҳақида китоб ёзади. 1961 йилда "Уолт Дисней" кинокомпанияси, 2005 йилда Британия ижодкорлари Боббининг садоқатига бағишланган фильмни суратга олган.

1930 йилда АҚШнинг Монтана штатида яшовчи фермернинг далада тоби қочиб қолади. Зудлик билан касалхонага келтирилган фермерни "Шеп" лақабли ити шифохона эшиги тағида кутади. Бироқ фермер вафот этади. Унинг жасадини уйига жўнатиш учун энг яқин станциялардан бирига олиб келишганидан ит ҳам тобут ортидан эргашади. Кейинчалик Шеп ҳар куни станция ёнида пайдо бўлади, эгаси жўнатишдан жойдан уни кутади ҳам бўлади. Бу ҳол роппа-роса 5 йил давом этади.

Вақт ўтиши билан эшитиш қобилияти хириллашган кекса ит яқинлашиб келаётган поезд овозини пайқамай, гилдираклар остида қолиб кетади. Бунинг жонсиз танасини станция яқинидан топишади. Садоқатли ва вафо тимсоли бўлмиш Хатикога станцияда ҳайкал ўрнатилди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳайкал эритилиб, фронт учун фойдаланилади. Уруш тугагач, Хатикога яна ҳайкал қўйлади. Ҳозирги пайтда бу ерга қўлаб сайёҳлар келишади. Ушбу қайғули воқеа асосида япон киноижодкорлари Британия ва Америка билан ҳамкорлигида иккита кинофильм суратга олинган.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, Хатикодек вафо ва садоқат тимсоли бўлган итлар бошқа жойларда ҳам бўлган. Масалан, Шотландиянинг Эдинбург шаҳрида итнинг бронза ҳайкали бор. Ёдгорлик шаҳарнинг чекка ҳудудида жойлашган бўлса-да, бугунгача унинг атрофида қўлаб сайёҳлар ва маҳаллий аҳоли тўпланади ҳамда унинг ёнида суратга тушади. Ҳайкал рўпарасидаги кҲчада "Грейфрайерс" номли қабристон жойлашган бўлиб, у "Грейфрайерс Бобби" лақаби билан белгиланган.

Ҳасад сой бўйида бўлиб, унинг ёнида Наттеллинг эти суягига ёпишган ити турарди. Ит 11 ҳафта давомида қор буриларни, ёмғирни ҳавода эгасининг жасади ёнидан жилмаган. У шу даражада озиб кетгандики, мустақил ҳаракат қила олмасди. Уни кҲтариб олиб тушишларига тўри келди. Бу воқеадан 19 йил ўтгач, темир йўл станцияларининг бирида Урсарнинг бронза ҳайкали ўрнатилди.

КҲриниб турганидек, одамзоднинг содиқ дҲсти бўлган итлар вафо ва садоқат бобида тенгсиздир. Бу айрим кишилар учун ўрнатилган намунасини ўтаса, ажаб эмас...

Интернет материаллари асосида Ҳумоюн Мирзо тайёрлади.

Фаолият мезони

Суд-тиббий экспертиза истиқболлари

қонунчилик асослари ва халқаро ҳамкорлик



◀ (Бошланиши 3-бетда)

Қонунга киритилган ушбу ўзгартришга мувофиқ суд экспертизлари ҳар икки йилда малака ошириш курсларида муайян суд-экспертлик фаолияти бҲйича малакасини ва ҳуқуқий билимларини ошириб бормоқда.

2017 йил сентябрь ойидан бунён нафақат суд экспертларнинг малака ва ҳуқуқий билимларини ошириш, балки судья, прокурор, терговчи ва адвокатлар учун ҳам суд-тиббий экспертизаси имкониятлари, уни ўтказиш тартиб-тамоийиллари ва ечимини кутаётган долзарб муаммоларга оид ўқув машғулотлари ва семинар-тренинглар мунтазам равишда ўтказилмоқда.

2018 йил 4 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори суд-тиббий экспертиза соҳасидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқди.

Мазкур қарор билан Суд-тиббий экспертиза бош бюроси негизида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюралари мазкур Марказнинг ҳудудий филиаллари ҳисобланган, ўз фаолиятида Марказга бҲйсунчи белгилаб қўйилди.

Ушбу қарор суд-тиббий экспертиза илмий-амалий марказининг илмий-амалий салоҳиятини юксалтириш, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, экспертиза билан боғлиқ турли илмий-тадқиқот-

лар олиб бориш, айниқса, ёш экспертлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларини суд-экспертизасининг имкониятлари, экспертиза турлари ва ҳал қилганидан малакасини, экспертизаларни тайинлаш ва ўтказиш тартиб-тамоийиллари, экспертизага материалларни тайёрлаш қодалари билан яқиндан таништириш, суд-тергов идоралари ходимларининг экспертиза ўтказиш жараёнида экспертлар билан самарали ҳамкорлик қилиш имкониятларини янада кенгайтириди.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замонда халқаро даражада ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, замонавий фан-техника ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлиш, илгор тажрибалардан унумли фойдаланиш ҳар бир соҳа тараққиотида муҳим ўрин тутади. Шу боис Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази бир қатор нуфузли хорижий тиббиёт муассасалари, хусусан, Н.Пирогов номидаги Россия миллий тадқиқот тиббиёт университети, БМТнинг наркотиклар ва жиноятчилик бҲйича бошқармаси билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Бунинг натижасида кўпга илмий-амалий анжуманлар, малака ошириш курслари ташкил этилди.

Бу каби изчил чора-тадбирлар суд-тиббий экспертиза соҳасини янада ривожлантириш, жиноятларни очиш, дастлабки терговни холис ўтказиш ва оид судловни таъминлашга ҳизмат қилмоқда.

Алишер ИСКАНДАРОВ,
Республика суд-тиббий
экспертиза илмий-амалий
маркази директори

Жиноятга жазо муқаррар!

Ҳурибгарга айланган "фермер"



Маълумки, фермерлик — жуда машаққатли меҳнат ва юксак масъулят талаб қиладиган касбдир. Қишинг қаҳратон совуғи-ю, ёзнинг жазирамасида ҳам ер билан "тиллашиб", хирмонларимизни дон ва пахтага, халқимиз дастурхонини чорвачилик ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдирувчи айни касб соҳибларидур.

Аммо шולי курмасиз бўлмаганидек, бу касб эгалари орасида ҳам кун ўтсин, қабилида ишлайдиган ёки фермерликни ерфурушлика айлантириб олаётганлар ҳам йўқ эмас.

Гулистон туманида яшовчи, "Ўзсувтаъминот" акциядорлик жамиятининг Сирдарё вилояти бошқармасида масъул лавозимда ишловчи Азиз Бахромов (исм-шарифлар ўзгартрилган) туман ҳокимининг 2021 йил 29 майдаги 487-сонли қарорига асосан ҳокимлик захирасида бўлган, қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган 20 гектар ерда сунъий балик ҳавзаси барпо этиб, балиқчилик фермер хўжалиги ташкил қилади. Лекин А.Бахромовнинг сунъий балик ҳавзасини барпо этишга, аниқроғи, тер тўки меҳнат қилишга бҲйича ёр берилади. Қолаверса, у ерни сотиб, унинг пулига "Зарбдор" маҳалласи ҳудудида автомашиналарни ювиш шахобчасини ташкил қилишни кўзлайди. Ана шундай гаирқонуний режа-у орзулари билан у 5 ойдан кўпроқ вақтни ўтказиб юборади. 2021 йилнинг ноябрь ойида ижтимоий тармоқлар орқали ерни сотиш ҳаракати-га тушади. Натижада "Телеграмм" ижтимоий тармоғи орқали кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи Акрам Зоиров билан танишади. Улар учрашгач, фермер ўз мақсадини баён қилади.

Шундан сўнг "Гулистон маклер хизмати" номли телеграмм гуруҳида туманнинг "Боёвут" сув истеъмолчилиги уюшмаси ҳудудидаги 20 гек-

тар ер майдонини сотилиши хусусида эълон пайдо бўлади.

Бу эълонни ўқиган Абдулло Суяров 2021 йил 27 ноябрь куни А.Зоировга кўнғироқ қилади. Сўхбат асосида Акрам ўзини маклер сифатида таништиради.

— Агар нақд пулингиз бўлса, сотилаётган ерни кўрсатишим мумкин, — дейди у.

А.Суяров 2021 йил 3 декабрь куни А.Зоиров билан бирга бориб, ер майдонини кўради.

— Туман ҳокимининг қарори бор. Сизга кадастр ҳужжатлари бўлиб берилади, — деб тушунтиради Акрам унга.

А.Зоиров ерни 20.000 АҚШ долларига баҳолайди. Бироқ А.Суяров бу жуда қиммат эканини айтиб, нарҳини бироз арзон қилишни сўрайди.

— Майли, минг долларга арзонлаштираман, — дея жавоб беради А.Зоиров.

Аммо ўша куни кечки пайт А.Зоиров кутилмаганда А.Суяровга кўнғироқ қилиб, шундай дейди: Агар олдиндан ўн беш минг доллар берсангиз, ернинг ойда ижтимоий тармоқлар орқали ерни сотиш ҳаракати-га тушади. Натижада "Телеграмм" ижтимоий тармоғи орқали кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи Акрам Зоиров билан танишади. Улар учрашгач, фермер ўз мақсадини баён қилади.

Шундан сўнг "Гулистон маклер хизмати" номли телеграмм гуруҳида туманнинг "Боёвут" сув истеъмолчилиги уюшмаси ҳудудидаги 20 гек-

тар ер майдонини сотилиши хусусида эълон пайдо бўлади. Бу эълонни ўқиган Абдулло Суяров 2021 йил 27 ноябрь куни А.Зоировга кўнғироқ қилади. Сўхбат асосида Акрам ўзини маклер сифатида таништиради.

— Агар нақд пулингиз бўлса, сотилаётган ерни кўрсатишим мумкин, — дейди у.

А.Суяров 2021 йил 3 декабрь куни А.Зоиров билан бирга бориб, ер майдонини кўради.

— Туман ҳокимининг қарори бор. Сизга кадастр ҳужжатлари бўлиб берилади, — деб тушунтиради Акрам унга.

А.Зоиров ерни 20.000 АҚШ долларига баҳолайди. Бироқ А.Суяров бу жуда қиммат эканини айтиб, нарҳини бироз арзон қилишни сўрайди.

— Майли, минг долларга арзонлаштираман, — дея жавоб беради А.Зоиров.

Аммо ўша куни кечки пайт А.Зоиров кутилмаганда А.Суяровга кўнғироқ қилиб, шундай дейди: Агар олдиндан ўн беш минг доллар берсангиз, ернинг ойда ижтимоий тармоқлар орқали ерни сотиш ҳаракати-га тушади. Натижада "Телеграмм" ижтимоий тармоғи орқали кўчмас мулк савдоси билан шуғулланувчи Акрам Зоиров билан танишади. Улар учрашгач, фермер ўз мақсадини баён қилади.

Шундан сўнг "Гулистон маклер хизмати" номли телеграмм гуруҳида туманнинг "Боёвут" сув истеъмолчилиги уюшмаси ҳудудидаги 20 гек-

тар ер майдонини сотилиши хусусида эълон пайдо бўлади. Бу эълонни ўқиган Абдулло Суяров 2021 йил 27 ноябрь куни А.Зоировга кўнғироқ қилади. Сўхбат асосида Акрам ўзини маклер сифатида таништиради.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил
23 февралда Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигига 0224-рақам
билан рўйхатдан ўтган.



9 772181 612006

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Козимджан КАМИЛОВ
Робохон МАХМУДОВА
Халилullo ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ

Бахтиёр ИСАКОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ҲАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллари: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй
Тел.: 71-241-01-56, 71-239-02-54
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Нашр индекси: яқка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-615 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нарҳда. Адади: 6472
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 22⁰⁰. Топширилди: 23⁰⁰.